



NORMATIV-HUQUQIY HUJJATLAR LOYIHASINI ISHLAB  
CHIQISH VA KELISHISHNING YAGONA ELEKTRON  
TIZIMI

Loyiha

O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI VAZİRLAR MАHKAMASI QARORI

Газ ҳолатидаги ёқилғида ишловчи аппаратларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий

техник регламентни тасдиқлаш ҳақида

ID-96534 (V-1)

“Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 28 февралдаги ПҚ-91-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, газ ҳолатидаги ёқилғида ишловчи аппаратларнинг хавфсизлигига қўйиладиган талабларни белгилаш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Газ ҳолатидаги ёқилғида ишловчи аппаратларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент (кейинги ўринларда — Техник регламент) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан ва расмий эълон қилинган кундан бошлаб олти ой ўтгандан кейин кучга киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ахоли, давлат ва хўжалик бошқаруви, тадбиркорлик субъектларини кенг жиҳатдан хабардор қилиш ва улар орасида тасдиқланган техник регламентнинг мақсади, мазмuni ва уни кўллаш тартиби тўғрисида тушунтириш ишларини олиб борсин.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазири Б.Ф. Исламов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг

2024 йил \_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сон қарорига

1-ИЛОВА

**Газ ҳолатидаги ёқилғида ишловчи аппаратларнинг хавфсизлиги  
тўғрисидаги умумий техник**

**РЕГЛАМЕНТ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

**§ 1. Мақсади ва қўллаш соҳаси**

- Газ ҳолатидаги ёқилғида ишловчи аппаратларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент (кейинги ўринларда Техник регламент) газ ҳолатидаги ёқилғида ишлайдиган аппаратларга (кейинги ўринларда газдан фойдаланувчи ускуналар) қўйиладиган хавфсизлик талабларини белгилайди.
- Техник регламентга 1-иловага мувофиқ рўйхат бўйича келтирилган газ ҳолатидаги ёқилғида ишловчи аппаратлар Техник регламентни тартибга солиш объектлари ҳисобланади.
- Техник регламент:
  - двигателга ёқилғи сифатида газдан фойдаланишга;
  - давлат мудофаасининг буюртмалари бўйича етказиб берувчига;
  - саноат корхоналарида фойдаланиш учун мўлжалланган технологик жараёнларга нисбатан тадбиқ этилмайди.
- Газдан фойдаланувчи ускуналар Техник регламент талабларига мувофиқ бўлганда, Ўзбекистон Республикаси худудида муомалага чиқарилади.
- Агар газдан фойдаланувчи ускуналарнинг айрим турлари учун бошқа Техник регламентлар қабул қилинган бўлса, у ҳолда ушбу газдан фойдаланувчи ускунага нисбатан қўлланиладиган барча техник регламентларнинг талаблари тадбиқ этилади.

**§ 2. Атамалар ва таърифлар**

- Ушбу Техник регламентда қўйидаги атамалар ва таърифлардан фойдаланилади:

**ёниш камерасини вентиляция қилиш** — газдан фойдаланувчи ускуналарнинг ёниш камерасида жойлашган, ёнмай қолган газни ва горелкага газ етказилмаганида дудбўрондан ҳаво билан сиқиб чиқариш жараёни;

**горелканинг алангаланиш вақти** — горелкага газ берилган вақтдан бошлаб оловнинг ёниши ва газ горелкаси қурилмасининг бутун юзасига тарқалишигача бўлган вақт оралиғи;

**газ ҳолатидаги ёқилғи** — 15°C хароратда ва 101,325 kPa атмосфера босимида газсимон ҳолатида бўлган ёқилғи;

**тўлиқ дастлабки аралашма ҳосил қиласидиган горелка** — ёниши учун горелканинг тешик жойларидан чиқишидан олдин газни ҳаво билан аралаштирадиган ёки тайёр ёнувчи аралашмани етказиб берадиган горелка;

**ёкиш** — алнга мавжудлигини қайд қилиш орқали асосий ва (ёки) ўт олдирувчи горелкада газ ҳаво аралашмасининг аллангаланиши содир бўладиган жараён;

**комбинациялашган горелка** — газ ҳолатидаги ёки суюқ турдаги ёқилғини алоҳида ёкишга мўлжалланган горелка;

**қайта ёкиш** — газдан фойдаланувчи ускуна конструкциясида назарда тутилган ёкиш, бунда газдан фойдаланувчи ускунанинг ишлаши давомида алланганинг сўнишидан кейин горелкага газ етказиб берилиши тўхтатилади ва горелкани автоматик ишга тушириш дастурининг бажарилиши бошланади;

**ишга тушириш қуввати** — газдан фойдаланувчи ускунанинг ўртача қуввати, горелкага газ берилган вақтдан бошлаб олов мавжудлиги қайд этилгунга қадар бўлган вақт оралиғи;

**ишлаб чиқариш назорати** — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга мувофиқ истеъмолчилар учун мўлжалланган курилмаларни синовдан ўтказиши ва ўлчашни амалга ошириш учун зарур бўлган ўлчаш ва синаш ускуналарини, малакали кадрларни ўз ичига олган тизимнинг мавжудлиги;

**хавфсизлик қурилмаси** — назорат қилинадиган параметрларнинг рухсат этилган чегаралардан чиқишида асосий горелкага автоматик тарзда газ узатишнинг тўхтатилишини таъминловчи ва газдан фойдаланувчи ускунага мосланадиган қурилма;

**бошқариш ва созлаш қурилмалари** — газдан фойдаланувчи ускунага ўрнатиш учун мўлжалланган технологик жараёнларнинг параметрларини қўлда ёки автоматик равишда амал қилинишини таъминлайдиган техник восита;

**фойдаланиш ҳужжатлари** — алоҳида ёки бошқа ҳужжатлар билан биргаликда газдан фойдаланувчи ускуналарнинг ишлаш қоидаларини белгилайдиган ва (ёки) уларнинг хавфсизлиги учун ишлаб чиқарувчи томонидан кафолатланган асосий параметрлар ва хусусиятлар, қийматларини тасдиқловчи ҳамда фойдаланиш, шунингдек кафолатлар ва белгилangan хизмат муддати давомида газдан фойдаланувчи ускунанинг ишлаши тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи ҳужжатлар;

**фойдали иш коэффициенти (ФИК)** — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган ФИК кўрсаткичлари билан тасдиқланган газдан фойдаланувчи ускунанинг таснифи.

## 2-боб. Газ ҳолатидаги ёқилғида ишловчи аппаратларнинг хавфсизлик талаблари

### § 1. Умумий талаблар

7. Техник регламент газдан фойдаланувчи ускуналарга зарур бўладиган минимал талабларни белгилайди ва уларнинг бажарилиши қуйидагиларни таъминлайди:

портлаш ва ёнгин хавфсизлиги;

- электр хавфсизлиги;
- механик ва термик хавфсизлик;
- экологик хавфсизлик;
- энергия самарадорлиги.
8. Газдан фойдаланувчи ускуна эгаси белгиланган тартибда фойдаланиш ҳужжатлариға мувофиқ, ускунани ўрнатиш, ишга тушириш ва созлаш ишларини олиб бориш, фойдаланиш ва унга техник хизмат кўрсатилишини таъминлайди.
  9. Газдан фойдаланувчи ускуна, (унинг қисмлари) вазифасига кўра қўлланилганда ва эксплуатацион ҳужжатлар талаблари бажарилгандагина, бутун хизмат муддати давомида Техник регламент талабларига мувофиқ бўлиши керак.
  10. Ишлаб чиқариш назорати газдан фойдаланувчи ускуналар ишлаб чиқарилган корхонада амалга оширилиши керак. Ишлаб чиқариш назоратининг мавжудлиги давлат назорати органлари томонидан, шунингдек қурилмаларнинг мувофиқлигини баҳолашда сертификатлаштириш органлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

## § 2. Портлаш ва ёнғин хавфсизлигига қўйиладиган талаблар

11. Газдан фойдаланувчи ускуналар ёкиш манбалари таъсирида портлаш хавфини истисно қилиши керак.
12. Газдан фойдаланувчи ускуналарнинг конструкцияси табиий тортиш орқали ёниш камерасини вентиляция қилиш, горелкани ёкишдан ва қайта ёкишдан олдин ҳавони вентилятор билан мажбурий етказиб бериш ёки дудбурондан тортиб олинишини ҳисобига таъминланиши керак.
13. Газдан фойдаланувчи ускунани қайта ёкиш зарурати бўлганда горелканинг ёкиш ва қайта ёкиш вақти оралигида маълум муддат шамоллатилиши керак.
14. Газдан фойдаланувчи ускуналарга ўрнатилган горелкаларнинг  
(шу жумладан тўлиқ дастлабки аралашма ҳосил қиласиган ва комбинациялашган)  
конструкцияси куйидагиларни таъминлаши лозим:  
  
ёкиш ва қайта ёкиш вақтида горелканинг бутун юзаси бўйлаб равон алангаланишини таъминлаш;  
  
ишлаб чиқарувчи томонидан кўзда тутилган барча режимларида газ ҳолатидаги ёкилгини ёкишда портлаш ва ёнғин чиқиш хавфини истисно қилиши керак.
15. Газдан фойдаланувчи ускуналарда ишга тушириш қуввати ва горелканинг алангаланиш вақти, ёкиш ва қайта ёкишда, қайта алангалатишга уринишлар сони, аланга сўнишидаги газни узатиш вақтида ёнмай қолган газларнинг йиғилиб қолишини истисно қилиши керак.
16. Горелкалар ишлаб чиқарувчи томондан синовдан ўтказилиши, ўтказилган синов натижалари баённомалар билан тасдиқланган бўлиши керак.
17. Газдан фойдаланувчи ускуналар унга тегиб турувчи бошқа юзаларни киздирмаслиги керак.
18. Газдан фойдаланувчи ускуналарнинг ёнғин хавфсизлигига қўйиладиган бошқа талаблар Ўзбекистон Республикасининг “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ти Конуни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.
19. Газдан фойдаланувчи ускуналарни жойлаштириш учун мўлжалланган хоналар ёнғин хавфсизлиги, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

### **§ 3. Электр хавфсизлигига қўйиладиган талаблар**

20. Электр кучланишининг тебраниши ва электр энергиясининг узилиши ёки таъминот тармоғидаги энергияни таснифининг авариявий ўзгариши ва кейинчалик қайта тикланиши хавфли вазиятларга олиб келмаслиги керак.
21. Электр тармоғига уланган газдан фойдаланувчи ускуна электр токи таъсиридан ҳимояни таъминлаши керак.

### **§ 4. Механик ва термик хавфсизлик талаблари**

22. Газдан фойдаланувчи ускуналарнинг конструкцияси бутун хизмат муддати давомида унинг хавфсизлигини Техник регламент талабларининг даражасидан пасайтириши мумкин бўлган барқарор бўлмаган ҳолатлар, деформациялар, носозликлар ёки критик емирилишлар истисно қилиниши керак.
23. Газдан фойдаланувчи ускунанинг хавфсизлигига таъсир қилувчи деформацияларнинг олдини олиш мақсадида босим остида бўлган барча деталлар фойдаланишдаги механик ва ҳарорат юкланишларга чидамли бўлиши шарт.
24. Босимга учрайдиган материалларнинг механик ва физик хусусиятлари, шунингдек кимёвий таркиби ишлаб чиқарувчи ёки ушбу материалларни етказиб берувчи томонидан ўтказилган синовлар ва ўлчовлар натижаларини кўрсатувчи сифат тўғрисидаги ҳужжат билан тасдиқланиши шарт.
25. Газдан фойдаланувчи ускуналарни ишлаб чиқаришда фойдаланадиган материаллар қўлланилишига кўра мувофиқ бўлиши ва ускунанинг бутун хизмат муддати даврида учрайдиган механик, иссиқлик ва кимёвий таъсирга чидамли бўлиши керак.
26. Конденсация қозонларидан ташқари ёниш учун ҳавонинг мажбурий оқимини таъминловчи горелкали иситиш қозонлари углеродли пўлат листлардан қалинлиги ушбу Техник регламентга 2-иловадаги 1-жадвалга мувофиқ ишлаб чиқарилиши, листларнинг кимёвий таркиби ва механик хусусиятлари 2 ва 3-жадвалларга мувофиқ бўлиши керак.
27. Материал уни қўллаш учун етарли эгилувчанликка эга эканлигини тасдиқлаш учун ҳар бир лист тўпи учун ушбу листларни ишлаб чиқарувчи томонидан материалнинг хусусиятларини тасдиқловчи синов натижаларини тақдим этилиши керак.
28. Ёниш учун ҳавонинг мажбурий оқимини таъминловчи горелкали иситиш қозонларини ишлаб чиқариш учун пўлат листларнинг ҳар бир тўпи, конденсацияланган қозонлардан ташқари, алоҳида қўйма намуналар ёрдамида ишлаб чиқарувчи томонидан назорат қилиниши керак. Назоратни амалга оширишда кимёвий таҳлил (C, Si, Mn, P, S) ва чўзилувчанликка бўлган синовлари ўтказилиши керак. Ўтказилган ўлчовлар ва синовлар натижалари баённомалар билан тасдиқланиши керак.
29. Овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун мўлжалланган газдан фойдаланувчи ускуналарда, Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда, ушбу мақсадларда ишлатишга рухсат этилган материаллардан фойдаланиши шарт.
30. Газдан фойдаланувчи ускуна конструкцияси хавфсизлик талабларини бажаришда термик куйишни истисно қилиши керак.
31. Конденсация қозонларидан ташқари ёниш учун ҳавонинг мажбурий оқимини таъминловчи горелкали иситиш қозонларини ишлаб чиқаришдаги пайвандлаш ишлари, нуқсонларсиз амалга оширилиши керак.

32. Пайвандлаш ишлари, факат ишлов берилаётган материалларни пайвандлаш бўйича аттестациядан ўтган пайвандчилар томонидан амалга оширилиши керак.
33. Пайвандлаш ишларини назорат қилиш аттестациядан ўтган ходимлар томонидан амалга оширилиши ва камида битта аттестациядан ўтган назоратчи мавжуд бўлиши керак.
34. Конденсация қозонларидан ташқари ёниш учун ҳавонинг мажбурий оқимини таъминловчи горелкали иситиш қозонларини ишлаб чиқаришда пайванд бирикмалар ушбу Техник регламентга 2-иловадаги  
4-жадвалга мувофиқ бўлиши керак.
35. Конденсация қозонларидан ташқари ёниш учун ҳавонинг мажбурий оқимини таъминловчи горелкали иситиш қозонларининг конструкцияларида, номинал диаметри DN 80 дан юқори бўлган кувур резбали бирикмалардан фойдаланиш тақиқланади.
36. Конденсация қозонларидан ташқари ёниш учун ҳавонинг мажбурий оқимини таъминловчи горелкали иситиш қозонларининг фланецли бирикмалари учун, контрфланецлар ва зичлайдиган қистирмалари бўлиши керак.
37. Конденсация қозонлардан ташқари ёниш учун ҳавонинг мажбурий оқимини таъминловчи горелкали иситиш қозонларининг конструкциялари, сув билан тўлдириш ва дренажлаш бирикмаларига эга бўлиши керак. Бундай бирикиш умумий бўлиши мумкин. Конденсация қозонлардан ташқари ёниш учун ҳавонинг мажбурий оқимини таъминловчи горелкали ҳар бир иситиш қозонининг олд ёки орқа қисмida, энг чуқур нуқтасида чиқариб юбориладиган тешиги бўлиши керак. Бирикиш ҳажми камида қуйидагича бўлиши керак:

тўлдирувчи бирикмалар учун:

G 1/2" - 70 kVt гача бўлган номинал иссиқлик ишлаб чиқаришда;

G 3/4" - 70 kVt юқори номинал иссиқлик ишлаб чиқаришда;

дренаж бирикмалар учун:

DN 25 – номинал иссиқлик ишлаб чиқариш 1 kVt гача;

DN 35 - номинал иссиқлик ишлаб чиқариш 1 дан 6 kVt гача;

DN 50 - номинал иссиқлик ишлаб чиқариш 6 kVt дан юқори.

38. Ишлаб чиқарувчи конструктив материаллар ва пайванд чоклари, шунингдек, барча зарур синовлар натижалари ишлаб чиқариш назорати талабларига мувофиқлигини кафолатловчи мажбуриятларни тақдим этиши лозим.
39. Конденсация қозонларидан ташқари ҳавонинг мажбурий оқимини таъминловчи горелкали иситиш қозонларининг конструкциялари ва уларнинг қисмлари, ишлаб чиқарувчи корхонада сув билан гидравлик синовдан ўтказилиши керак.
40. Синовлар гидравлик босимдан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши, синовлар муддати камида 10 дақиқа бўлиши керак. Синовлар жараённида сизиб чиқиш ёки кўзга кўринадиган барқарор деформатциялар пайдо бўлишига йўл қўйилмайди.
41. Синов натижаларига кўра қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган синов баённомаси тузилиши керак:

синов босими Bar да ва синовлар давомийлиги;

синов натижалари, синов ўтказувчи шахсларни кўрсатган ҳолда синов ўтказиш жойи ва санаси.

Синов баённомаси ишлаб чиқарувчининг синовларни ўтказиш учун масъул шахснинг имзоси билан тасдиқланиши керак.

42. Конденсация қозонларидан ташқари ёниш учун ҳавонинг мажбурий оқимини таъминловчи горелкали иситиш қозонлари, визуал ва қўшимча хужжатларни таққослаш орқали якуний текширувдан ўтиши керак.

### **§ 5. Экология ва атроф мухит ҳавфсизлиги талаблари**

43. Газдан фойдаланувчи ускуналар, оловнинг барқарорлигини ва ёниш маҳсулотларида углерод ва азот оксидларининг таркибини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларда белгиланган ўртacha кунлик максимал рухсат этилган концентрациялардан ошмайдиган миқдорда таъминлаши керак.
44. Дудбўрон билан бирлашган газдан фойдаланувчи ускуналардан ёниш маҳсулотидаги чиқиндиларнинг хонага тасодифий чиқишини истисно қилиши керак.
45. Дудбўрон билан бирлашган газдан фойдаланувчи ускуналарда ёниш маҳсулотларини чиқариш тизимининг бузилишида газнинг горелкага узатилишини тўхтатиши шарт.
46. Газдан фойдаланувчи ускуналарнинг иссиқлик изолацияси учун таркибида асбест бўлган материаллардан фойдаланмаслик керак.

### **§ 6. Бошқариш ва созлаш ҳамда ҳавфсизлик қурилмаларига қўйиладиган талаблар**

47. Газдан фойдаланувчи ускуналар ҳавфсизлик, бошқариш ва созлаш қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши керак.
48. Ҳавфсизлик, бошқариш ва созлаш қурилмалари йилига камида бир маротаба текширилиши ва кўриқдан ўтказилиши керак.
49. Газдан фойдаланувчи ускуналар ҳавфсизлик, бошқариш ва созлаш қурилмалари ишдан чиққанда ҳавфсизликни таъминлаши керак.
50. Бошқариш ва созлаш қурилмалари, шунингдек, газдан фойдаланувчи ускунанинг беркитиш клапанлари фойдаланувчи (хизмат кўрсатувчи ходимлар) томонидан хато ҳаракатларнинг олдини олиш учун тегишли белгиларга эга бўлиши керак.
51. Конденсация қозонларидан ташқари ёниш учун ҳавонинг мажбурий оқимини таъминловчи горелкали иситиш қозонларининг конструкциялари, ҳароратни созлаш қурилмасини, ҳароратни чекловчи ҳимоявий қурилма ва термометрни улаш учун номинал уланиш резбасининг диаметри G 1/2 бўлган бирикиш тешиклари бўлиши керак. Бирикиш ўлчамлари қозон ва горелка ишлаб чиқарувчилари ўртасида келишилган бўлиши керак.
52. Конденсацияли қозонидан ташқари ёниш учун ҳавонинг мажбурий оқимини таъминловчи горелкали иситиш қозони, ҳароратни чекловчи ҳимоявий ва максимал ҳарорат қиймати 110°C бўлган бошқариш термостати билан жиҳозланган бўлиши керак.

### **З-боб. Фойдаланиш ҳужжатларига қўйиладиган талаблар**

53. Газдан фойдаланувчи ускуналарнинг етказиб бериш жамламаси давлат тилидаги паспорт, газдан фойдаланувчи ускунани ўрнатиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш йўриқномаси ҳамда ундан фойдаланиш қўлланмасини ўз ичига олиши керак.
54. Газдан фойдаланувчи ускуналарнинг паспорти газдан фойдаланувчи ускунани идентификация қилиш учун асосий хужжат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси худудида муомалада бўлиши учун газдан фойдаланувчи ускунанинг паспорти бўлиши шарт.

Газдан фойдаланувчи ускуналарнинг паспортида ишлаб чиқарувчи тўғрисидаги маълумотлар, газдан фойдаланувчи ускуналарнинг ишлаб чиқарилган санаси ва унинг завод рақами, газдан фойдаланувчи ускуналар ва унинг алоҳида қисмларининг асосий техник таснифлари, шунингдек газдан фойдаланувчи ускунанинг хизмат қилиш муддати кўрсатилади.

55. Газдан фойдаланувчи ускуналарни ўрнатиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича йўрикномаси қуидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

газдан фойдаланувчи ускунанинг умумий таснифи ва уни ишлатиш тартиби;

газдан фойдаланувчи ускунанинг номинал иссиқлик қуввати ва (ёки) номинал иссиқлик ишлаб чиқариши;

ишлатиладиган газларнинг турлари ва номинал босимлари;

газдан фойдаланувчи ускунани бир турдаги газдан бошқасига ўтказиш тартиби;

ёниш жараёнини таъминлаш, ёнмаган газларнинг хавфли ҳажмини тўпланишини бартараф этиш ва ёниш маҳсулотларини чиқариб ташлашни таъминладиган шароитларни яратиш учун газдан фойдаланувчи ускуналар ўрнатилган хонани шамоллатишга қўйиладиган талаблар;

блокли газ горелкаларга қўйиладиган талаблар, зарур бўлганда эса, ишлаб чиқарувчи томонидан тавсия этилган тўғри йиғиши ва созлашни кафолатлаш, эълон қилинган техник тавсифларни ва фойдаланиш вақтида газдан фойдаланувчи ускуналарнинг хавфсизлигини таъминлаш учун тавсия этилган уларнинг комбинатциялари рўйхати;

иситиш ускуналари учун сувнинг кимёвий таркибига бўлган талаблар (сув иссиқлик ташувчи бўлган ҳолларда);

электрда ишлайдиган автоматика тизимида эга газдан фойдаланувчи ускуна учун электр тармоғидаги номинал кучланиши;

газдан фойдаланувчи ускуналарнинг эксплуатация қилиш жараёнида олиб бориладиган техник хизмат кўрсатиш муддатлари ва турлари;

ҳарактерли носозликлар ва уларни бартараф этиш усуслари;

ишлаб чиқарувчининг номи ва жойлашган жойи (хорижий ишлаб чиқарувчининг функцияларини бажарувчи шахс), у билан боғланиш учун маълумот;

газдан фойдаланувчи ускуналар ишлаб чиқарилган ой ва йили ва (ёки) қўллаш жойи ва ишлаб чиқарилган санани аниқлаш усули тўғрисидаги маълумотлар.

Конденсация қозонларидан ташқари, ёниш учун ҳавонинг мажбурий оқимини таъминловчи горелкали иситиш қозони учун:

ёниш йўлининг қаршилиги ва ёниш камераси босими, mbar;

ёқилғи сарфи, kg/s;

мўрининг диаметри, mm;

гидравлик қаршилик, mbar;

максимал иссиқлик қуввати, kVt.

56. Газдан фойдаланувчи ускуналарни ўрнатиш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш йўриқномалари билан бирга ўрнатиш давомида газдан фойдаланувчи ускунага

ўрнатиладиган ўрнатиш арматураси ва ускунаси тақдим этилиши керак.

57. Газдан фойдаланувчи ускунарни ишлатиш бўйича қўлланмада газдан фойдаланувчи ускуналардан фойдаланиш шартларини чекловчи ёки хавфсизлик чораларини кўриш зарурлиги тўғрисида огоҳлантирувчи маълумотлар, шунингдек унинг бутун хизмат муддати давомида хавфсиз ишлаши учун зарур бўлган маълумотлар бўлиши ва фойдаланувчига унинг имкониятлари чекланганлигини кўрсатиши керак.
58. Фойдаланиш қўлланмасида газдан фойдаланувчи ускунани хавфсиз утилизация қилиш бўйича тавсиялар бўлиши керак.
59. Фойдаланиш хужжатлари қоғоз шаклида бўлади. Унга электрон ташувчисида фойдаланиш хужжатлари тўплами илова қилиниши мумкин.
60. Конденсация қозонларидан ташқари ёниш учун ҳавонинг мажбурий оқимини таъминловчи горелкали иситиш қозонлари учун, ишлаб чиқарувчи техник хужжатларни тузиши ва ушбу хужжатларни газдан фойдаланувчи ускуна ишлаб чиқарилган кундан бошлаб камида ўйил давомида сақлаши керак.
61. Конденсация қозонларидан ташқари ёниш учун ҳавонинг мажбурий оқимини таъминловчи горелкали иситиш қозонларининг техник хужжатлари қуидагиларни ўз ичига олиши керак:
  - ускунанинг умумий тавсифи;
  - компонентлар, йиғиши мосламалари ва схемаларнинг асосий дизайнни ва ишлаб чиқариш чизмалари ва диаграммалари;
  - юқорида келтирилган чизмалар ва диаграммаларни тушуниш учун зарур бўлган тавсиф ва изоҳлар;
  - синов баённомалари.
62. Ёниш учун ҳавонинг мажбурий оқимини таъминловчи горелкали иситиш қозонларининг ФИК, конденсация қозонлардан ташқари, ушбу Техник регламентга 2-иловадаги 5-жадвалда кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

#### **4-боб. Қадоқлаш ва ёрлиқларга қўйиладиган талаблар**

##### **§ 1. Ёрлиқларга бўлган талаблар**

63. Муомалага чиқариладиган газдан фойдаланувчи ускуналарнинг ҳар бирида бутун хизмат муддати давомида сақланадиган ва кўриш учун қулай жойда бўладиган, аниқ ва осон ўқиладиган давлат тилидаги ёрлиқларга эга бўлиши керак.
64. Ёрлиқларда қуидагилар ҳақида маълумотлар бўлиши керак:
  - ишлаб чиқарувчининг номи ва (ёки) маҳсулот белгиси;
  - ишлаб чиқарувчи жойлашган мамлакатнинг номи;
  - ускунанинг модели (тури);
  - серия рақами (тўплам рақами);
  - ускуна ишлаб чиқарилган сана (ой, йил);
  - газдан фойдаланувчи ускунанинг номинал иссиқлик ишлаб чиқариши ва (ёки) номинал иссиқлик қуввати;

фойдаланиладиган газнинг тури ва номинал босими;

электр токининг кучланиши, частотаси ва истеъмол қилинадиган электр қуввати (электр тармоғига уланган газдан фойдаланувчи ускуналар учун).

Конденсация қозонларидан ташқари ёниш учун ҳавонинг мажбурий оқимини таъминловчи горелкали иситиш қозонлари учун:

рухсат этилган ишчи босими, Bar;

рухсат этилган ишчи ҳарорати, °C;

ҳажми, L;

синов босими, Bar.

65. Ёрлиқ ёзувлари ўчиб кетишга барқарор бўлиши керак. Оддий шароитларда ёзув маълумотларнинг ўқилишига таъсир қиласидан даражада ранги йўқолмаслиги керак.

66. Газдан фойдаланувчи ускуналарга ўрнатилган огоҳлантирувчи ёзувлар фойдаланувчини қуидагилар тўғрисида хабардор қилиши керак:

портлаш, ёнғин, углерод оксиди билан заҳарланиш, заарарли иссиқлик таъсири, электр токи уриши (электр тармоғига уланган газдан фойдаланувчи ускуналарга нисбатан) хавфи;

ҳаво айланиши яхши бўлган жойларда газдан фойдаланувчи ускуналарни ўрнатиш зарурати (хонадаги газдан фойдаланувчи ускуналарнинг ёниш маҳсулотларини чиқариб юбориш билан бирга).

67. Агар конструкция хусусиятларига кўра газдан фойдаланувчи ускуналарни тўғридан-тўғри белгилаш имконияти бўлмаса, фақат қадоқни белгилашга йўл қўйилади.

68. Қадоқнинг ташқи томонидаги қўйилган ёрлиқлар аниқ кўринадиган, ўчмайдиган ёки сув қайтарадиган бўёқ билан қилинган, қадоқ рангига контраст бўлиши ва қуидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

ускунанинг модели (тури);

ишлиладиган газнинг тури ва номинал босими;

манипуляция белгилари;

ишлиб чиқарувчининг номи ва (ёки) товар белгиси;

ишлиб чиқарувчи мамлакатнинг номи.

69. Манипуляция белгилари қадоқнинг турли жойларида такрорланиши керак.

70. Транспорт ёрликларида қуидагилар кўрсатилиши керак:

юкни қабул қилиб олувчининг номи;

етказиб бериш манзили;

тўпламдаги ўринлар тартиб рақами билан юк ўринлари сони;

юк жўнатувчининг номи;

жўнаш пунктининг номи;

брутто ва нетто оғирлиги;

габарит ўлчамлари.

## § 2. Қадоқлашга қўйиладиган талаблар

71. Газдан фойдаланувчи ускунанинг ҳар бири сақлаш ва ташиш вақтида унинг хавфсизлигини таъминлайдиган тарзда қадоқланиши керак.
72. Кувурўтказгичларнинг барча уланиш тешиклари ташиш тиқинлари билан ёпилган бўлиши керак.
73. Газдан фойдаланувчи ускунанинг қадоғи ташиш, юклаш ва тушириш шароитларини таъминлаш керак.

## 5-боб. Мувофиқликни баҳолаш

### § 1. Идентификация

74. Идентификатция деганда ёрлиқда кўрсатилган муҳим белгиларга мувофиқлигини баҳолаш учун тақдим этилган газдан фойдаланувчи ускунанинг идентификаторини аниқлашни англатади.

Газдан фойдаланувчи ускуналарни идентификатциялаш ишлаб чиқарувчи томонидан берилган ҳужжатлардаги маълумотларга кўра амалга оширилиши мумкин.

75. Газдан фойдаланувчи ускуналарни идентификатциялаш қўйидагилар томонидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага киритган ишлаб чиқарувчи (сотувчи);

сертификатлаштириш органлари — маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш ва тасдиқлаш мақсадида;

давлат назорати органи — Техник регламент талабларига мувофиқлигини текшириш мақсадида.

## § 2. Намуна олиш, синовлар ўтказиш ва мувофиқлигини тасдиқлаш

76. Намуна олиш Техник регламент талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.
77. Газдан фойдаланувчи ускуналарни Техник регламентлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган қўлланмаларга мувофиқ амалга оширилади.
78. Газдан фойдаланувчи ускунанинг Техник регламент талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уни баҳолаш йўли билан амалга оширилади.

## 6-боб. Давлат назорати

79. Техник регламент талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза

қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, шунингдек бошқа ваколатли давлат органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

#### **7-боб. Ўтиш даври**

80. Техник регламент кучга кирган вақтдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган ва газдан фойдаланувчи ускуналар учун хавфсизлик талабларини белгилайдиган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий хужжатлар, уларни Техник регламент билан мослаштирилгунига қадар ушбу Регламентга зид бўлмаган қисмлари амалда қўлланилади.
81. Техник регламент кучга киргунга қадар газдан фойдаланувчи ускуналар учун олинган мувофиқлик сертификатлари ушбу хужжатларда белгиланган муддатлар давомида амалда бўлади.

#### **8-боб. Техник регламент талабларини бузганлик учун жавобгарлик**

82. Ушбу Техник регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Газ ҳолатидаги а ишловачи  
аппаратларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги  
умумий техник регламентта

1-илова

#### **Техник регламент тадбиқ этиладиган газ ҳолатидаги ёқилғида ускуналар ва унинг қисмлари рўйхати**

**ишловчи**

1. Овқат тайёрлаш, иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун мўлжалланган газдан фойдаланувчи ускуналар:

газда ишловчи майший аппаратлар (печкалар) (иситиш ва сув палласи билан бирлаштирилган қурилмалар, конвекторлар, каминлар, ҳаво иситгичлари, газли ҳаво иситгичлар билан жиҳозланган кондиционерлар);

овқатни тайёрлаш ва иситиш учун мўлжалланган газда ишлайдиган майший жиҳозлар (плиталар, пишириш панеллари, печли шкафлар, гриллар);

камода битта газда ишлайдиган горелкали электроплиталар;

газда ишлайдиган оқимли сув иситиш аппаратлари;

газда ишлайдиган сифимли сув иситиш аппаратлари;

кўчма ва туристик бўлган таганлар ва плиталар;

умумий овқатланиш корхоналари ва обьектлари учун иссиқлик газ ускуналари (статционар пишириш қозонлари, ошхона плиталари, пишириш ва қовуриш аппаратлари, ағдариладиганн товалар, мангаллар, фритюрницалар, суюқликларни қайнатиш ва иситиш учун ускуналар,

биринчи ва иккинчи таомлар учун мармитлар);

парранда хоналар учун газ брудерлар;

чорвачилик бинолари учун иссиқлик ёки газ генераторлари;

газда ишлайдиган инфрақизил нурланишли ёндиригичлар, майший техника учун газ горелкалари;

босими 0,07 МРа гача бўлган буғ қозонлари;

сув ҳарорати 115 °C гача бўлган сув иситиш қозонлари;

махсус мўлжалланган саноат ёндиригичлари (“ёруғ” инфрақизил нурланишли иситгичлар);

2. Блокли автоматик горелкалар:

газда ишлайдиган блокли саноат горелкалари;

комбинациялашган блокли саноат горелкалари;

3. Бошқариш ва созлаш қурилмалари:

ташқи энергия манбаисиз ишлайдиган газ босим созлагичи;

газ баллонлари учун созлагичлар (редукторлар);

газ горелкалари ва аппаратлари учун автоматлаштириш мосламалари ва воситалари (автоматик ёқиши учун блоклар ва панеллар).

Газ ҳолатидаги а ишловачи  
аппаратларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги  
умумий техник регламентга

2-илова

#### **1-жадвал**

#### **Чўяндан ташқари, пўлатдан ва бошқа материаллардан ишлаб чиқарилган иситиш қозонлари учун минимал девор қалинлиги**

<b>Девор тури</b>	<b>Деворнинг минимал қалинлиги*, мм</b>		
	<b>Рухсат этиладиган иссиқлик ишлаб чиқарувчанликкVt</b>	<b>Феррит пўлатлар</b>	<b>Аустенит пўлатлар ва бошқа зангламайдиган пўлатлар</b>

Олов ва сувга тегиб турадиган ёниш камераси деворлари ва конвекцион иситишнинг текис юзалари учун	100 гача (ни хам кўшиб)	4	2
	100 дан 300 гача (ни хам кўшиб)	5	3
	300 дан 4 000 гача (ни хам кўшиб)	6	4
	4000 дан юқори	8	4
Фақат сувга тегиб турадиган ва қаттиқ котирилган деворлар учун	100 гача (ни хам кўшиб)	3	1
	100 дан 300 гача (ни хам кўшиб)	4	2
	300 дан юқори	5	2
Бошқа қувурлар		2,9; 2 mm – иситилмайдиган қувурлар учун ташки диаметри 17,2 mm дан кам	1
*) Агар ҳисоблаш амалга оширилган бўлса ва қийматлар белгиланган чегаралардан ошмаса ёки қозон синовдан ўтган бўлса, ҳисоб-китоб қилишнинг иложи бўлмаса, белгиланган қийматлардан четта чиқишига йўл қўйилади			

## 2-жадвал

Қувурнинг материаллари	Пўлат тури	Кимёвий таркиби, массанинг %									
		S	P	S	Si	Mn	Cr	Mo	Ni	Ti	Nb/Ta
Пўлат листлар	Углеродли	≤0,25	≤0,05	≤0,05	-	-	-	-	-	-	-

## 3-жадвал

Қувур материаллари	Пўлат тури	Механик хусусиятлар			
		Узулишга мустаҳкамлик чегараси $R_m$ , N/mm <sup>2</sup>	Оқувчанлик чегараси $R_{oh}/R_p$ , 0,2, N/mm <sup>2</sup>	$L_0 = 5 d_0 da A_{long}$ бузувчи чўзилиш, %	$L_0 = 5 d_0 da A_{transv}$ бузувчи чўзилиш, %
Пўлат листлар	Углеродли	≤ 520	≤ 0,7 <sup>a)</sup>	≥ 20	-

<sup>a)</sup> Оқувчанлик чегарасининг мустаҳкамлик чегарасига бўлган узулиш нисбати. Компонентларнинг максимал мумкин бўлган ҳарорати учун тегишли юқори ҳароратли оқувчанлик чегараси таъминланиши керак.

## 4-жадвал

№	Чок тури	Материал қалинлиги $t$ , mm	Пайвандлаш технологияси <sup>a</sup>	Изох
1.	Четларнинг оғишисиз пайванд биринчи чоки  Бир томонлама  ☒  Икки томонлама  ☒	<6 (8)	135 12 131 (111)	Чукур эритиш электродлардан фойдаланганда ёки икки томондан пайвандлашда $t = 8$ mm гача бўлган қийматларга йўл қўйилади

№	Чок түри	Материал қалинлиғи $t$ , mm	Пайвандлаш технологиясы <sup>a</sup>	Изоҳ
2.	Четларнинг оғишиңиз пайванд бирикиш чоки <input checked="" type="checkbox"/>	> 6 12 гача	12	Пайвандланадиган кирраларнинг орасидаги бўшлик $b = (2 - 4)$ mm куюқлаштирувчи билан флюс учун резервуар бўлиши лозим
3.	Четларнинг оғишиңиз пайванд бирикиш чоки (иккى томонлама) <input checked="" type="checkbox"/>	> 8 12 гача	135 12 (111)	Пайвандланадиган кирраларнинг орасидаги бўшлик $b = (2 - 4)$ mm. Кўлда электр пайвандлаш учун чукур эритиш электродлари ишлатилади
4.	Иккى четларнинг орасидаги битта оғишли V - симон бирикиш чоки <input checked="" type="checkbox"/>	12 гача	(111)	Пайвандлашга тайёргарлик - 60° бурчак остидағи V -симон бирикиш
5.	Иккى четларнинг орасидаги битта оғишли V - симон бирикиш чоки а) 30° дан 50° гача <input checked="" type="checkbox"/>	12 гача	135 12	Пайвандлашга тайёргарлик - материалнинг қалинлигига караб (30° - 50°) бурчаги остидағи V - симон бирикиш
6.	Иккى четларнинг орасидаги иккى симметрик оғишли X -симон бирикиш чоки а) 30° дан 50° гача <input checked="" type="checkbox"/>	св. 12	135 12	Пайвандлашга тайёргарлик - материалнинг қалинлигига караб (30° - 50°) бурчаги остидағи X - симон бирикиш
7.	Қатланган четли иккى листвлар орасидаги бирикиш пайванд чоки <input checked="" type="checkbox"/>	$\leq 6$	135 141 131 (111)	Факат пайвандланадиган қисмлар учун алоҳида холатларда рухсат этилади. Бундай чокларга эгилишда хосил бўладиган кучланишларга йўл кўйилмайди. Бевосита олов таъсирида бўлган девор қисмлари учун ишлатилмайди $s = 0,8 t$
8.	Бурчакли пайванд чоки <input checked="" type="checkbox"/>	$\leq 6$	135 12 (111)	Ушбу турдаги чоклар учун эгилишдаги кучланишларга йўл кўйилмайди $a = t$
9.	Икита бурчакли пайванд чоклар бирималари <input checked="" type="checkbox"/>	$\leq 12$ $> 12$	135 12 (111)	$a = t$ $a = 2/3 t$
10.	Бир чети иккى оғишли K -симон бирикиш чоки <input checked="" type="checkbox"/>	$\leq 12$ $> 12$	135 12 (111)	$a = t$ $a = 2/3 t$
11.	Бир чети оғишли V -симон бирикиш чоки <input checked="" type="checkbox"/>	$\leq 12$ $> 12$	135 12 (111)	(111) учун $\beta = 60^\circ$ 135 учун, $12\beta = (45^\circ - 50^\circ)$

№	Чок түри	Материал қалынлиги $t$ , мм	Пайвандлаш технологиясы <sup>a</sup>	Изох
12.	Бир чети оғишли V -симон бирикіш чоки <input checked="" type="checkbox"/>	$\leq 12$	135 12 (111)	(111) учун $\beta = 60^\circ$ 135 учун, $12\beta = (45^\circ - 50^\circ)$
13.	<input checked="" type="checkbox"/>	12 (111)	135	Иссиклик нурланиши таъсирида бўлган кувурнинг охири бурчакли пайванд чоки чегарасидан ташқарига чикмаслиги керак
14.	<input checked="" type="checkbox"/>	$\leq 6$	135 (111)	Кувурни юкори термик кувланишларда пайвандлаш $\alpha \geq t$
15.	<input checked="" type="checkbox"/>		135 (111)	Кувурни юкори термик кувланишларда пайвандлаш (111) учун $\beta=60^\circ$ 135 учун $\beta= (45^\circ - 50^\circ)$

<sup>a</sup> Пайвандлаш технологияси коди

Технология коди	Технология
12	Флюс остида ёйсимон пайвандлаш
111	Қопламали эрувчи электрод билан ёйсимон пайвандлаш
131	Инерт газ мухитида эрувчи электрод билан ёйсимон пайвандлаш; МИГ пайвандлаш (MIG)
135	Фаол газ мухитида эрувчи электрод билан ёйсимон пайвандлаш; МАГ пайвандлаш (MAG)
141	инерт газ мухитида волфрамли электрод билан ёйсимон пайвандлаш; ВИГ пайвандлаш (TIG)

**5-жадвал**

Газдан фойдаланувчи ускуналар түри	P <sub>n</sub> даги ФИК		0,3 P <sub>n</sub> даги ФИК	
	Минимал қийматлар	Сувнинг ўртacha харорати, °C	Минимал қийматлар	Сувнинг ўртacha харорати, °C
Оддий				
P <sub>n</sub> ≤ 400 kWt	$\geq 84 + 2 \lg P_n$	70	$\geq 80 + 3 \lg P_n$	50
P <sub>n</sub> > 400 kWt	$\geq 89,2^a$	70	$\geq 87,8^{b,d}$	50
Паст харорат				
Pn ≤ 400 kWt	$\geq 87 + 1,5 \lg P_n$	70	$\geq 87,5 + 1,5 \lg P_n$	40
Pn > 400 kWt	$\geq 9,1^c$	70	$\geq 91,4^{c,d}$	40
1. $84 + 2 \lg 400 = 84 + 2 \cdot 2,60 = 89,2$				
2. $80 + 3 \lg 400 = 80 + 3 \cdot 2,60 = 87,8$				
3. $87,5 + 1,5 \lg 400 = 87,5 + 1,5 \cdot 2,60 = 91,4$				
4. Фақат қуввати 1000 kWt гача бўлган газдан фойдаланувчи ускуналар учун.				



Вазирлар Маҳкамасининг

2024 йил \_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сон қарорига

2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотаётган  
айрим қарорлари**

**РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Газ ҳолатидаги ёқилғида ишловчи аппаратларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 30 октябрдаги 880-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Саноат, электротехника маҳсулотларидан фойдаланишда ахоли хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ушбу маҳсулотлар устидан сифат назоратини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 15 ноябрдаги 602-сон қарори рус тилидаги матни 2-иловасининг 2-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ва Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 24 июндаги 520-сон қарори рус тилидаги матни 8-иловасининг 8-банди.